

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

2 СОН, 1 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 2, ВЫПУСК 1

LAWYER HERALD

VOLUME 2, ISSUE 1



TOSHKENT-2022

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЈАВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

- 1. БАҲРОНОВ Шерзод Холмуродович**
НОРМА ИЖОДҚОРЛИГИДА ЭКОЛОГИК ТАЛАБЛАР ҲИСОБГА ОЛИНИШНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ 8
- 2. НЕМАТОВ Жўрабек Нематиллоевич**
ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИМОЯ ОРДЕРИНИНГ МАЪМУРИЙ АКТ МИСОЛИДАГИ
МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ 16
- 3. РАБИЕВ Шерзод Миржалилович, АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович**
МАЪМУРИЙ МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА “МАЪМУРИЙ
КЎМАКЛАШ”НИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ 22

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ

- 4. ОКЮЛОВ Омонбой**
“СНОСЛАР” ЖАРАЁНИДА ХАР БИР МУЛҚДОР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ
МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИ ШАРТ 30
- 5. ГУЛЯМОВ Саид Саидахарович, БОЗАРОВ Сардор Сохибжонович**
ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СФЕРЕ
ЗДРАВООХРАНЕНИЯ 36
- 6. АЧИЛОВА Liliya Ilxomovna**
VIRTUAL TURIZMNI TASHKIL ETISHNING HUQUQIY JIHATLARI 43
- 7. МУРОТОВ Журабек Сафарович**
ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИГА (ТОВАР, ХИЗМАТ) БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР . 50
- 8. ВОСТРИКОВА Виктория Сергеевна, ЧЕРКАШИНА Ирина Александровна**
ДОКТРИНА ФРУСТРАЦИИ НА ПРИМЕРЕ РЕШЕНИЯ ВЕРХОВНОГО СУДА
СОЕДИНЕННОГО КОРОЛЕВСТВА 55
- 9. АБРОРОВА Камола Саидмухторовна**
ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В СФЕРЕ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕЖДУНАРОДНОГО КОММЕРЧЕСКОГО АРБИТРАЖА
В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 63

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

- 10. МАДРАҲИМОВА Гулжаҳон Рузимбой қизи**
ЙИЛЛИК ҲАҚ ТўЛАНДИГАН МЕҲНАТ ТАЪТИЛИНИ ҚўЛЛАШ АМАЛИЁТИ
ВА ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР
(РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА) 70

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

- 11. ИБРОҲИМОВ Жамшид Абдуғофур ўғли**
ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ 79
- 12. ВОХИДОВ Маҳкам Мубинович**
ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ПРАВОВЫХ ОСНОВ ВОССТАНОВЛЕНИЯ
НАРУШЕННЫХ ПРАВ ЖЕРТВ ПРЕСТУПЛЕНИЙ И ЗЛУПОТРЕБЛЕНИЯ ВЛАСТЬЮ В
РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 86

13. ИСЛОМОВ Бунёд Очилович
ОБСТОЯТЕЛЬСТВА, СМЯГЧАЮЩИЕ НАКАЗАНИЕ И ИСКЛЮЧАЮЩИЕ
ПРЕСТУПНОСТЬ ДЕЯНИЯ ПО УГОЛОВНОМУ КОДЕКСУ РЕСПУБЛИКИ БОЛГАРИЯ
(СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ) 92

14. БОЙДЕДАЕВ Садирдин Абдусатторович
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ 99

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА,
ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

15. АБДУЛЛАЕВ Рустам Кахраманович
ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК
ТАЪМИНОТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ 107

16. ЧУРЯКОВ Эркин Ибрагимович
СУД-БАЛЛИСТИКА ЭКСПЕРТИЗАСИДА ЭКСПЕРТ ЭКСПЕРИМЕНТИНИНГ ЎРНИ 114

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

17. РАХМАНОВ Шухрат Наимович
ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА МИГРАЦИЯВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ
ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ 119

18. USMANOVA Surayo
YEVROPA ITTIFOQIDA TURIZM: OMMAVIY HUQUQIY JIHATLARI TANLILI 126

19. ХАМДАМОВА Фируза
ПРАВОВОЙ СТАТУС РОБОТОВ В МЕЖДУНАРОДНОМ ГУМАНИТАРНОМ ПРАВЕ 131

20. КАРИМОВ Оятилло Халимович
ПОНЯТИЙНЫЙ АНАЛИЗ ЭКСТРАДИЦИИ В МЕЖДУНАРОДНОМ И
НАЦИОНАЛЬНОМ ПРАВЕ: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ 135

21. АЪЗАМХУЖАЕВ Умидхон Шавкат угли
МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ТРАНСПОРТНО-КОММУНИКАЦИОННЫХ
СВЯЗЕЙ СТРАН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ЕВРОПЫ 141

22. ОЧИЛОВ Шермат Рашидович
ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ
ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ 149

23. САЛИЕВА Шахсанем Уснатдиновна
ФОРМИРОВАНИЕ ЦИФРОВЫХ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ 154

24. МИРЗАМУРОДОВ Шохрух Олимович
МЕЖДУНАРОДНОЕ ДОГОВОРНО-ПРАВОВОЕ ЗАКРЕПЛЕНИЕ
РЕГИОНАЛЬНОЙ ИНТЕГРАЦИИ В ЦЕНТРАЛЬНО И ЮЖНОАЗИТСКОМ
МАКРОРЕГИОНЕ В РАМКАХ ШОС 161

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

25. NAITO Shintaro
OVERVIEW OF DRAFTING LEGISLATIVE BILLS IN JAPAN—FOCUSING ON AVOIDING
INCONSISTENCY IN LAWS 169

26. ТОЖИЕВ Фурқат Шомуродович
ЮРИДИҚ ХИЗМАТЛАР ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА 184

27. ИЛЬЯСОВ Улугбек Бахтиёрович
ОСНОВНЫЕ НОВЕЛЛЫ ИНВЕСТИЦИОННОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА
НОВОГО УЗБЕКИСТАНА 190

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

РАБИЕВ Шерзод Миржалилович

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакаси ошириш маркази директори
E-mail: sherzodrabiev1984@gmail.com

АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Маъмурий тартиб-таомилларни
такомиллаштириш ва мониторингини юритиш бошқармаси бошлиғи
E-mail: b.azizov@adliya.uz

МАЪМУРИЙ МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА “МАЪМУРИЙ КЎМАКЛАШ”НИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): Рабиев Ш.М., Азизов Б.М. Маъмурий маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда “маъмурий кўмаклаш”нинг аҳамияти ва уни такомиллаштириш зарурати // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2022) Б. 22-29.



2 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-2-3>

АННОТАЦИЯ

Илмий мақолада маъмурий кўмаклашиш тушунчаси, мақсади, маъмурий иш юритишда унинг аҳамияти очиб берилди. Шунингдек, маъмурий органлар билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги муносабатларни тезкор ва бюрократик тўсиқларсиз ҳал этиш усуллари, маъмурий кўмаклашишнинг механизмлари, кўмак кўрсатишнинг рад этиш асосларини хорижий давлатлар қонунчилиги асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: маъмурий тартиб-таомиллар, маъмурий орган, идоралараро ҳамкорлик, маъмурий кўмаклашиш, маъмурий-ҳуқуқий фаолият.

РАБИЕВ Шерзод Миржалилович

Директор Центра повышения квалификации юристов
при Министерстве юстиции Республики Узбекистан
E-mail: sherzodrabiev1984@gmail.com

АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович

Начальник Управления по совершенствованию и ведению мониторинга
административных процедур Министерства юстиции Республики Узбекистан
E-mail: b.azizov@adliya.uz

ЗНАЧЕНИЕ И НЕОБХОДИМОСТЬ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ «АДМИНИСТРАТИВНОГО СОДЕЙСТВИЯ» В ОСУЩЕСТВЛЕНИИ АДМИНИСТРАТИВНЫХ ПРОЦЕДУР**АННОТАЦИЯ**

В научной статье раскрыты понятие, цель, значение административного содействия в административном производстве. Кроме того, разработаны предложения по совершенствованию методов оперативного и внебюрократических барьеров между административными органами и физическими и юридическими лицами, механизмов административного содействия, оснований отказа в оказании содействия с учетом законодательств иностранных государств.

Ключевые слова: административные процедуры, административный орган, межведомственное сотрудничество, административное содействие, административно-правовая деятельность.

RABIYEV Sherzod

Director of the Lawyers' Training Center under the Ministry of Justice
of the Republic of Uzbekistan
E-mail: sherzodrabiiev1984@gmail.com

AZIZOV Bunyod

Head of the Department of Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan
E-mail: b.azizov@adliya.uz

THE IMPORTANCE OF “ADMINISTRATIVE ASSISTANCE” IN THE IMPLEMENTATION OF ADMINISTRATIVE PROCEDURES AND THE NEED TO IMPROVE IT**ANNOTATION**

The scientific article reveals the concept, purpose, meaning of administrative assistance in administrative proceedings. In addition, proposals have been developed to improve the methods of operational and non-bureaucratic barriers of relations between administrative bodies and individuals and legal entities, mechanisms of administrative assistance, grounds for refusal to provide assistance based on the legislation of foreign states.

Keywords: administrative procedures, administrative body, interdepartmental cooperation, administrative assistance, administrative and legal activity.

Ўзбекистон Республикасида оммавий-ҳуқуқий муносабатлар ҳамда маъмурий тартиб-таомиллар ривожланиб бораётган муносабатлардан бири ҳисобланади. Тадқиқот мавзусининг долзарблиги шундаки, маъмурий орган билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги маъмурий тартиб-таомиллар соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш жараёнида ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги, маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш, шу жумладан давлат хизматлари кўрсатишда маъмурий органлар ўртасида муносабатлар тўлиқ электронлаштирилмаганлиги, идоралараро ҳамкорлик тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги, маъмурий кўмаклашишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари белгиланмаганлигидир.

Бунинг натижасида маъмурий органлар бир-биридан электрон шаклда олиши мумкин бўлган ҳужжатларни фуқаролар томонидан тегишли ташкилотларга борган ҳолда олиб, йиғиб (умумлаштириб) кейин ваколатли органга тақдим этиш амалаёти шакллانган. Ҳужжатларни олиб (йиғиб) келиб маъмурий органга тақдим этиш мажбурияти аксарият қонунчилик ҳужжатларига фуқароларнинг зиммасига юкланган.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунда “идоралараро ҳамкорлик” тушунчаси ёритилган бўлсада [1], маъмурий кўмаклашишнинг аниқ механизмлари белгилаб берилмаган (механизми, муддати кабилар). Бу эса, амалиётда ушбу муносабатларни турли

ҳил амалга оширилишига, аксарият ҳолатларда маъмурий органлар бир-бирларига зарур маъмурий кўмакни кўрсатмаслигига олиб келади. Мазкур ҳолатлар маъмурий органлар томонидан тегишли процедураларни амалга оширишда иш юритишни қийинлаштиришига ҳамда фуқароларнинг ортиқча овозгарчилигига, айрим ҳолатларда тегиши маъмурий тартиб-таомилни амалга оширишда муддат бузилишига олиб келади.

Маъмурий кўмаклашиш айнан ушбу ижтимоий, шу жумладан, ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда муҳим рол ўйнайди, маъмурий тартиб-таомилларни тезкор ҳал этиш имкониятини беради.

Маъмурий кўмаклашиш маъмурий органларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий институт бўлиб ҳисобланади. Маъмурий органлар ўз фаолиятлари давомида жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларни кўриб чиқишда ва ўз фаолиятларини амалга оширишда турли давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳуқуқий муносабатларга киришади.

Ушбу муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январда қабул қилинган **“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунда** (кейинги ўринларда Қонун деб юритилади) белгиланган [1].

Жумладан, **Қонуннинг 21-моддаси “идоралараро ҳамкорлик”** деб номланган бўлиб, маъмурий органларнинг бир-бирига кўмаклашиши жуда қисқа ва умумий акс эттирилган.

Хусусан, Қонунда идоралараро ҳамкорлик маъмурий органнинг кўмаклашиш тўғрисидаги сўрови асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилши, бўйсунув муносабатларида бўлган маъмурий органлар ўртасидаги муносабатлар идоралараро ҳамкорлик ҳисобланмаслиги, маъмурий органнинг кўмаклашиш тўғрисидаги сўрови самаралироқ тарзда тегишли ёрдам кўрсата оладиган ваколатли маъмурий органга йўлланиши, маъмурий органнинг кўмаклашиш тўғрисидаги сўровига жавоб берилмаганлиги маъмурий ишнинг ҳал этилишига тўсқинлик қилмаслиги кераклиги каби умумий нормалар белгиланган [1].

Қонун ва унда белгиланган “идоралараро ҳамкорлик” тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма олти йиллига бағишланган тантанали маросимда айтган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган эзгу ғояни амалга оширишга қаратилган муҳим механизм бўлиб ҳисобланади [2].

Қонунда белгиланган “идоралараро ҳамкорлик” жараёнида маъмурий органлар томонидан жисмоний ёки юридик шахсга оид зарур ҳужжатлар бошқа ташкилотлардан мустақил равишда сўраб олинади.

Масалан, давлат хизматларини кўрсатиш жараёнидаги маъмурий тартиб-таомиллар ва идоралараро ҳамкорлик маъмурий кўмаклашишга яққол мисол бўла олади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунга кўра, бирон-бир лицензияни бериш жараёнида маъмурий орган ушбу лицензияни бериши учун зарур бўлган бошқа давлат органи ёки ташкилотининг ваколатига тегишли бўлган ҳужжатларни талабгорнинг иштирокисиз мустақил равишда “Лицензия” ахборот тизими орқали сўраб олади [3].

Маъмурий-ҳуқуқий фаолият жараёнида маъмурий органлар ҳамкорликни турли шаклларда (қоғоз, ахборот ва ҳужжатларни тақдим этиш, маъмурий ишни биргаликда кўриб чиқиш, эксперт ва мутахассис хулосалари, техник ёрдам каби) амалга ошириши мумкин.

Бироқ, амалдаги Қонунда маъмурий кўмаклашиш ва идоралараро ҳамкорликнинг механизмлари очиқ берилмаган, шу сабабли ушбу нормани амалиётда ишлаши қийин бўлмоқда.

Маъмурий кўмаклашиш ва идоралараро ҳамкорлик масалалари турли қонунчилик ҳужжатларида у ёки бу даражада тартибга солинган. Бироқ, ягона механизмларнинг йўқлиги уларнинг тарқоқ ва турлича қўлланилишига олиб олиб келмоқда.

Мазкур ҳолатлар “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунни такомиллаштириш бўйича тегишли ўзгартиришлар киритиш, маъмурий-тартиб таомилларни амалга ошириш жараёнида турли давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги масалаларини аниқроқ қилиб

ягона Қонунда белгилаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Маъмурий қонунчилик давлат бошқаруви муносабатларини кучли регулятори ҳисобланади ва у доимий равишда янгиланиб туради. Унинг асосий мақсади ижро этувчи ҳокимият органларининг самарадорлигини ошириш, маъмурий қарор натижаларини жамоатчиликка тушунарли ва шаффоф бўлишини таъминлашдир [4, С.167–173].

Россиялик мутахассислардан К.В.Давыдовнинг фикрига кўра, ўзаро ёрдам тўғрисидаги нормаларнинг умумий маъноси шундан иборатки, агар баъзи бошқа органларнинг иш юритишда иштирок этиш зарур бўлса (ишни бевосита кўриб чиқишдан ташқари), буни давлат бошқарувининг ўзи ташкил қилади. Ўз навбатида, фуқаро жуда кўп ваколатли мансабдор шахслар билан қийин бўлган мулоқот қилиш заруратидан халос бўлади [5, Б..194-195].

Қолаверса, хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили “маъмурий кўмаклашиш”ни амалга ошириш тартиби, кўмаклашишни ўз вақтида амалга оширмаганлик учун жавобгарлик, кўмаклашишни рад этиш асослари каби механизмлар Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунига нисбатан кенгроқ ва аниқроқ баён қилинганлигини кўрсатди.

Хусусан, **Озарбайжон Республикасининг** “Маъмурий иш юритиш тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддаси “маъмурий органлар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий ёрдам” деб номланган. Ушбу моддада маъмурий орган ўз ваколатлари ва имкониятлари доирасида тегишли органнинг аризасига асосан бошқа маъмурий органга юридик ёрдам кўрсатиши шартлиги белгиланган [6].

Бунда маъмурий орган мурожаат келиб тушган кундан эътиборан 15 кун ичида юридик ёрдам кўрсатилишини таъминлаши шартлиги, юридик ёрдам кўрсатиш учун кўпроқ вақт талаб этилса, маъмурий орган шу мақсадда унга мурожаат қилган бошқа маъмурий органга асослантирилган ёзма маълумотларни тақдим этган ҳолда юридик ёрдам кўрсатиш муддатини 15 кунгача узайтириши мумкинлиги белгиланган. Қонунда бўйсунуш муносабатида бўлган маъмурий органларнинг ўзаро сўрови маъмурий ёрдам кўрсатиш ҳисобланмаслиги ҳам белгиланган.

Шунингдек, Қонуннинг 6-моддасида маъмурий органнинг юридик ёрдам сўраб мурожаат қилиши мумкин бўлган ҳолатлар, 7-моддасида юридик ёрдам кўрсатишни рад этишнинг аниқ асослари белгиланган [6]. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида бундай нормалар мавжуд эмас.

Қирғизистон Республикасининг “Маъмурий фаолият асослари ва маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни 2015 йил 31 июлда қабул қилинган. Қонуннинг 14-моддасида маъмурий органларнинг ўзаро ҳамкорлиги (ўзаро ёрдам) мажбуриятининг ҳуқуқий асослари белгиланган. Унга кўра, маъмурий органлар ўзларининг маъмурий тартиб-қоидаларини амалга оширишда бир-бири билан ҳамкорлик қилишга (ўзаро ёрдам кўрсатишга) мажбурлиги, ўзаро ёрдам маъмурий органнинг мурожаати асосида амалга оширилиши белгиланган [7].

Агар бир нечта маъмурий органлар ўзаро ёрдам кўрсатиши мумкин бўлса, кўмак сўраётган маъмурий орган кўмак сўралаётган маъмурий органга мурожаат қилиши кераклиги, тегишли ўзаро ёрдамни энг самарали тарзда ва қисқа вақт ичида тақдим этиши лозим [7].

Агар сўралаётган ёрдам ушбу маъмурий органнинг ваколатига кирмаса, у сўровни тегишли ваколатли маъмурий органга юбориши шартлиги белгиланган. Қонуннинг 15-моддасида ўзаро ёрдам кўрсатишни рад этишнинг асослари белгиланган. Ушбу моддада кўра, маъмурий орган **ўзаро ёрдам кўрсатишни рад этишга мажбур** бўлган ҳолатлар (сўралган чораларни амалга ошириш қонунга зид бўлса, амалга ошириш унинг ваколатига кирмаса, ўзаро ёрдам (маълумот) кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатлар қонун билан қўриқланадиган сирга тегишли бўлса ва уларни сўраган маъмурий органга тақдим этиш қонун билан тақиқланган бўлса) аниқ белгилаб қўйилган.

Ушбу моддада **маъмурий орган ўзаро ёрдам кўрсатишни рад этишга ҳақли** бўлган ҳолатлар (бошқа маъмурий орган сезиларли даражада камроқ ҳаракат билан ўзаро ёрдам кўрсатишга қодир бўлса, ўзаро ёрдам кўрсатиш учун ёрдамга нисбатан номутаносиб бўлган ҳаракатларни амалга ошириш керак бўлса, ваколатларини амалга оширишга сезиларли

даражада тўсқинлик қилиши мумкин бўлса) аниқ белгилаб қўйилган.

Агарда маъмурий орган ушбу асослардан бири бўйича ўзаро ёрдам кўрсатишдан бош торса, у бу ҳақида уч иш кундан кечиктирмай ёрдам сўраган маъмурий органни хабардор қилиши шарт. Бунда ёрдам сўраётган орган ушбу маъмурий органнинг юқори турувчи органига рад этиш устидан шикоят қилишга ҳақли бўлиб ҳисобланади. Юқори турувчи маъмурий орган материал келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида ўзаро ёрдам кўрсатишни рад этиш тўғрисидаги низо бўйича якуний қарор қабул қилиши лозим.

Қонуннинг 16-моддасида ўзаро ёрдам йўли билан амалга ошириладиган чоратадбирларнинг қонунийлигига оид нормалар ҳам белгиланган ва унда ўзаро ёрдам кўрсатишда қонунга хилоф ҳаракат қилса жавобгар бўлиши мустаҳкамланган.

Кўриб турганингиздек, Қирғизистон Республикасининг қонунчилигида “маъмурий кўмаклашиш” тушунчаси ва амалга ошириш механизмлари алоҳида моддаларда очиб берилган. Шу сабабли, ушбу механизмларни Ўзбекистон Республикасининг Қонунига имплементация қилиш мақсадга мувофиқ.

Арманистон Республикасининг “Бошқарув ва маъмурий иш юритиш асослари тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддаси “маъмурий органларнинг ўзаро ёрдам кўрсатиш мажбурияти” деб номланган бўлиб, маъмурий органлар ўз ваколатларини амалга ошириш учун бир-бирига ўзаро ёрдам кўрсатишга мажбурлиги, ўзаро ёрдам маъмурий органнинг мурожаати асосида амалга оширилиши белгиланган [8].

Қонуннинг 16-моддасида “ўзаро ёрдам кўрсатиш асослари”, 17-моддасида “ўзаро ёрдам кўрсатмаслик асослари” (маъмурий орган ёрдам кўрсатиши мумкин бўлмаган ҳолатлар) белгиланган. Шахсга нисбатан ўзаро ёрдам кўрсатиш тартибида амалга оширилган барча ҳаракатлар учун жавобгарлик маълумот сўраётган орган зиммасига юклатилган.

Арманистон Республикасининг Маъмурий процессуал кодексида “маъмурий кўмаклашиш” билан боғлиқ тушунча ва нормалар белгиланмаган.

Беларусь Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар асослари тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасида манфаатдор шахснинг аризасини кўриб чиқишда ваколатли органнинг бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши белгиланган. Унга кўра, маъмурий орган манфаатдор шахслар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва (ёки) маълумотлар рўйхатига киритилмаган маъмурий тартиб-таомилни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва (ёки) маълумотларни ваколатли органдан сўраб олиши мумкинлигини белгиланган [9].

Унга кўра, давлат реестрлар, кадастрлар, рўйхатлар, каталоглар, маълумотлар базалари ва маълумотлар банкларидан умуммиллий автоматлаштирилган ахборот тизими, умумдавлат автоматлаштирилган ахборот тизимига интеграциялашган бошқа ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари орқали олиши белгиланган.

Шунингдек, Қонуннинг 22-моддасида ваколатли органларга “сўров” юборишнинг ҳуқуқий асослари белгиланган. Бунда сўров ваколатли орган томонидан имкон қадар қисқа муддатда, лекин ариза рўйхатга олинган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай юборилиши кераклиги белгиланган. Сўровни кўриб чиқишга ваколати бўлган орган эса тегишли ҳужжат ва (ёки) маълумотларни сўров асосида етти кун ичида тақдим этиши белгиланган.

Қонуннинг 23-моддасида сўров бўйича ҳужжатлар ва (ёки) маълумотларни тақдим этишни рад этишнинг ҳуқуқий асослари белгиланган.

Таҳлилларимиз **Беларусь Республикасининг** Қонунида ҳам маъмурий органларнинг бир-бирига кўмаклашиши ва сўров юбориши кенгроқ ёритилганлигини кўрсатди.

Германиянинг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунининг (Verwaltungsverfahrensgesetz) 4-моддасида маъмурий органларнинг идоравий ёрдам кўрсатиш мажбурияти деб номланган [10]. Ушбу моддада ҳар қандай маъмурий орган бошқа маъмурий органга унинг илтимосига биноан қўшимча ёрдам бериши (идоралараро ёрдам) кераклиги белгиланган.

Қонунининг 5-моддасида идоравий ёрдам кўрсатиш шартлари ва унинг доираси аниқ белгилаб қўйилган. Унга кўра, маъмурий орган қуйидаги ҳолатларда идоравий ёрдам сўраб

мурожаат қилиши мумкин:

- қонуний асосда расмий ҳаракатни мустақил равишда амалга оширишнинг имкони бўлмаса;

- расмий ҳаракатни амалга ошириш учун зарур бўлган ходим ёки техник имконияти мавжуд бўлмаса;

- ўз вазифаларини бажариш учун у ўзи учун номаълум бўлган ва ўзи ўрната олмайдиган фактларни билиши керак бўлса;

- ўз вазифаларини бажариш учун унга сўров юборилган бошқа маъмурий органда бўлган ҳужжатлар ёки бошқа далиллар керак бўлса;

- сўров юборилган маъмурий органга нисбатан анча юқори нархларда амалга оширишга мажбур бўлса.

Шунингдек, ушбу моддада **сўров юборилган маъмурий орган ёрдам кўрсатмаслик ҳуқуқига эга** бўлган ҳолатлар ҳам белгиланган. Унга кўра, қонуний асосларга кўра тақдим этишнинг имкони бўлмаса, Федерация ёки штатлардан бирининг фаровонлигига зарар етказиши мумкин бўлса ҳамда ушбу маълумотлар (ҳужжатлар) қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки моҳиятига кўра сир сақланиши керак бўлса сўров юборилган маъмурий органга ёрдам кўрсатилмайди.

Шу билан бирга, **сўров юборилган маъмурий орган ёрдам кўрсатиши мумкин бўлмаган ҳолатлар мавжуд**. Хусусан, бошқа маъмурий орган керакли ёрдамни анча содда тарзда ёки анча арзон нархда тақдим эта олса, зарурий ёрдамни юқори харажат эвазига беришига тўғри келса ҳамда сўров юборган маъмурий органга зарур ёрдам кўрсатиш унинг ўз вазифаларини бажаришига хавф туғдирса маъмурий орган ёрдам кўрсатиши мумкин эмаслиги аниқ белгилаб қўйилган. Таққослаш учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилигида бундай нормалар мавжуд эмас.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 6-моддасида агар идоравий ёрдам бир нечта маъмурий органлар томонидан кўрсатилиши мумкин бўлса, имкон қадар ёрдам сўралаётган маъмурий органнинг қуйи органига мурожаат қилиш кераклиги ҳам белгиланган.

Қонуннинг 8-моддасида ёрдам сўраб мурожаат қилган маъмурий орган сўров юборилган маъмурий органга идоравий ёрдам кўрсатиш учун йиғим тўлашга мажбур эмаслиги, агар сўров юборилган маъмурий органнинг илтимосига асосан индивидуал ҳолатда харажати 35 евродан ошса қоплаб бериши лозимлиги, бунда айнан бир давлат органи томонидан бири-бирига идоравий ёрдам кўрсатилса, у ҳолда харажатлар қопланмаслиги ҳам белгиланган.

Шуниси эътиборга лойиқки, Германиянинг ушбу Қонунида маъмурий органлар фаолиятини миллий даражада мувофиқлаштиришдан ташқари, миллатлараро тузилмалар билан ўзаро муносабатлар қоидалари ҳам мустаҳкамланган.

Масалан, Қонуннинг 1-қисмга қўшимча равишда “Бошқарув соҳасида Европа ҳамкорлиги”га оид (§§ 8а-8е) янги номлар киритилган. Яъни, Европа давлатларининг маъмурий органларига ёрдам кўрсатиш тамойиллари белгиланган. Унга кўра, ҳар қандай маъмурий орган ёрдам сўраб мурожаат қилган Европа Иттифоқига аъзо бошқа давлатларнинг маъмурий органларига, агар бундай ёрдам Европа Иттифоқининг ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган бўлса ёрдам бериши лозимлиги каби нормалар белгиланган [10].

Қозоғистон Республикасининг Маъмурий тартиб-процессуал кодекси 2020 йил 29 июнда қабул қилинган ва 2021 йил 1 июлдан кучга кирган бўлиб, унда “процессуал ҳужжат” тушунчаси қўлланилмаган [11].

Қозоғистон Республикасининг кодексида “маъмурий кўмаклашиш” алоҳида модда сифатида берилмаган. Ушбу кодекснинг 20-моддаси маъмурий орган ва мансабдор шахсга бағишланган бўлиб, унда маъмурий орган ва мансабдор Кодексда назарда тутилган ҳолларда маъмурий органларга, мансабдор шахсларга ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши юклатилган [11].

М.А.Штатинанинг фикрига кўра, XX аср охиридан бошлаб дунёнинг деярли барча мамлакатларида амалга оширилган кенг кўламли маъмурий ислоҳотлар, қоида тариқасида “янги давлат бошқаруви”га асосланмоқда. Асосий вазифа сифатида бюрократияни олдини олиш, деполитизация, менежмент ва давлат аппарати самарадорлиги билан белгиланади.

Фуқаролар биринчи навбатда, давлат хизматларининг истеъмоличлари сифатида қаралади, давлат аппарати нафақат марказлаштирилмаган, балки кўплаб натижаларга йўналтирилган лойиҳалар билан ажралиб туришини билдиради [12, С.122–125].

Таҳлиллардан кўриш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг Қонунида идоралараро ҳамкорлик жуда тор механизмлар асосида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Хорижий давлатларнинг маъмурий тартиб-таомиллар соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари таҳлили Ўзбекистон Республикасининг маъмурий тартиб-таомилларга оид қонунчилигини такомиллаштиришни лозимлигини кўрсатди. Бироқ, хорижий давлатлар қонунчилигидаги барча нормаларни тўғридан тўғри кўчириб олиб бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ортиқча оворагарчилигига чек қўйиш мақсадида **Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунига қуйидаги ўзгартиришларни киритиш орқали такомиллаштириш лозим.**

Биринчи, “идоралараро ҳамкорлик” деб номланган модда номини **“маъмурий жиҳатдан кўмаклашиш”** деб ўзгартириш ва ушбу моддада маъмурий органлар маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда ўз ваколатлари доирасида бир-бирига маъмурий жиҳатдан кўмаклашиши шартлигини белгилаш;

Иккинчи, маъмурий органнинг маъмурий жиҳатдан кўмаклашиш тўғрисидаги сўрови тегишли ёрдамни кўрсата оладиган ваколатли маъмурий органга юборилиши кераклигини белгилаш;

Учинчи, кўмаклашиш тўғрисида ўзига сўров келиб тушган маъмурий орган сўралаётган кўмакни имкон қадар қисқа муддатларда, бироқ ўн беш кундан кечиктирмай кўрсатиши кераклиги, яъни маъмурий кўмак кўрсатишнинг аниқ муддатини белгилаш лозим. Агарда кўмаклашиш учун кўпроқ муддат талаб қилинадиган бўлса, ушбу муддатни узоғи билан яна ўн беш кун муддатга узайтириш мумкин ва бу асосланган бўлиши лозимлигини белгилаш;

Тўртинчи, “маъмурий жиҳатдан кўмаклашиш” тўғрисидаги сўровни рад этишнинг аниқ асосларини белгилаш лозим. Хусусан:

- сўралаётган чоралар ваколатига кирмаса;
- сўралаётган кўмаклашиш Қонунчилик талабларига зид бўлса;
- кўмаклашиш доирасида сўралаётган ҳужжатлар ва (ёки) маълумотлар давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этса;
- кўмаклашиш тўғрисидаги сўров асослантирилмаган бўлса;
- кўмаклашиш ушбу органнинг ўз вазифаларини амалга оширишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлса;
- бошқа маъмурий орган сўралаётган кўмакни анча камроқ сарф-харажатлар билан кўрсатиши мумкин бўлса кўмаклашиш рад этилиши мумкинлигини белгилаш лозим. Сабаби, амалдаги Қонунчиликда ушбу механизмлар мавжуд эмас.

Бешинчи, “маъмурий жиҳатдан кўмаклашиш”ни рад этишнинг ҳам аниқ муддатини белгилаш лозим. Акс ҳолда рад этиш муддати ҳам чўзилиб кетиши ёки турлича амалиёт шаклланишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, кўмаклашиш тўғрисида сўров келиб тушган маъмурий орган сўров келиб тушган кундан эътиборан уч иш кунида кўмаклашиш тўғрисидаги сўров билан муурожаат этган маъмурий органга рад этишнинг аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда хабар беришини (жавоб хати юборилишини) белгилаш керак.

Олтинчи, Қонунда кўмаклашиш билан боғлиқ харажатлар кимнинг ҳисобидан қопланишини белгилаш лозим. Шу сабабли, кўмаклашиш билан боғлиқ харажатлар кўмаклашаётган маъмурий органнинг зиммасида бўлишини Қонунда белгилаш керак.

Еттинчи, Қонунда маъмурий кўмаклашиш тартибида кўрилган чоралар учун кўмаклашишни сўраётган маъмурий орган манфаатдор шахс олдида жавобгарлигини ҳам белгилаб қўйиш лозим.

Хулоса. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунига ушбу муҳим ўзгартириш ва қўшимчаларнинг киритилиши маъмурий ҳужжатларни тезкор кўриб чиқишнинг ягона ҳуқуқий асосларини белгилашга, жисмоний ва юридик

шахсларнинг ортиқча оворагарчиликларига чек қўйилишига, ортиқча вақт ва маблағларини тежалишига, фуқароларнинг давлат органларига ишончини ошишига, Қонундаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этилишига хизмат қилади.

Ушбу Қонунда белгиланган асослар барча маъмурий муносабатлар учун универсал хусусиятга эга бўлади. Ушбу муносабатларни тартибга солувчи соҳаларни ягона қонунда бирлаштирилиши фуқаролар учун ҳам, маъмурий органлар учун ҳам қулайликлар яратади.

Қонунга мазкур ўзгартиришларнинг киритилиши ва такомиллаштирилиши амалиётда юзага келаётган муаммоларни ҳамда ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этади, давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни. 457-сон 08.01.2021 // URL: <http://old.lex.uz/docs/3492199>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма олти йиллига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 31.08.2017й. // URL: <https://kun.uz/news/2017/08/31/halk-davlat-idoralariga-emas-balki-davlat-organlari-halkimizga-hizmat-kilisi-kerak-prezident-nutki>.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни. 701-сон 14.07.2021 // URL: <http://old.lex.uz/docs/5511879>.

4. П.П.Кабытов, О.Е.Стародубова Ученые обсуждают проект Кодекса Российской Федерации об административных правонарушениях // Журнал российского права. 2016. № 3. С. 167–173.

5. К.В.Давыдов «Административные процедуры: концепция правового регулирования», диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук, 2020. С. 194-195 URL: // <https://diss.unn.ru/files/2020/1086/diss-Davydov-1086.pdf>.

6. Закон Азербайджанской Республики «Об административном производстве», 21.10.2005 г // URL: http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=13868.

7. Закон Кыргызской Республики «Об основах административной деятельности и административных процедурах», 31.07.2015 г. URL // <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111254?cl=ru-ru>.

8. Закон Республики Армения «Об основах администрирования и административном производстве» 18.02.2004 г. URL: // <https://www.arlis.am/documentview.aspx?docid=61846>.

9. Закон Республики Беларусь «Об основах административных процедур» 28.10.2008 г. URL: // <https://etalonline.by/document/?regnum=h10800433>.

10. Закон Об административных процедурах Федеративной Республики Германия // Сборник законодательных актов по административным процедурам, 2013. С. 173.

11. Административный процедурно-процессуальный кодекс Республики Казахстан, 29.06.2020 г. URL: // https://adilet.zan.kz/rus/docs/K2000000350/350_1.htm

12. М.А.Штатина «Парадигмы государственного управления в XX веке» // Вестник ЕНУ им. Л. Н. Гумилева. 2014. № 1-2 (18-19). С. 122–125